Тошкент ахборот технологиялари университети Кутубхонаси

2006 ЙИЛ, 14 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 72 (10.629)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун мусобақалар бўлиб ўтди. Тумандаги «Машъал» стадионида мамлакатимизнинг энг кучли полвонлари ўз маҳоратларини кўрсатишди. Турнир ғолибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — «Нексия» автомобили топширилди.

● Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари мутахассислари учун касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда фойдаланиладиган услубий қўлланмалар яратиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда тиббиёт йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимлари ҳамда шифокорлар иштирок этди.

● Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб кўпгина хайрли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, бунда эски мактабларни реконструкция қилиш ва янгиларини қуришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 11-мактабни тўла таъмирдан чиқариш жараёнида 245,7 миллион сўмни ўзлаштириш режалаштирилмоқда. Зарафшон даҳасида эса 945 ўринга мўлжалланган янги мактаб бунёд этилмоқда. У ўз эшикларини Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида очади.

● Жиззахда шифер ишлаб чиқарадиган корхона — «Шарқ юлдузи» ўз фаолиятини бошлади. Хитойда тайёрланган «XSW-240» русумли ускунада ишчилар ҳозирча соатига 100 донадан шифер тайёрлашмоқда. Келгусида икки сменада иш ташкил этилса, кунига 2 мингта шифер ишлаб чиқариш имконияти туғилади. Мазкур корхонанинг фаолият бошлаши муносабати билан иш ўрнига эга бўлганлар сони 50 нафарга етади.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрининг ноёб овозли ёш хонандаси Абдумалик Абдуқаюмов Россиянинг Владикавказ шаҳрида ўтказилган опера ижрочиларининг 2-халқаро танловида ғолиб чиқди.

● Андижон вилоятининг Марҳамат тумани халқ таълими бўлими ходимларининг ташаббуси билан Полвонтош шаҳарчасида фахрийлар учун янги боғ бунёд этилди. 10 гектарлик майдонни эгаллаган ушбу боғга 655 туп мевали, 150 туп манзарали дарахтлар, шунингдек, 8 минг туп терак кўчатлари ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида «Аму-Узум» агрофирмаси ўз фаолиятини бошлади. Агрофирманинг асосий мақсади эски боғларни янгилаб, янгиларини ташкил этиш, мева ва сабзавотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳамда кичик корхоналар очилишига кўмаклашишдир.

● Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги 40-мактаб педагогик жамоасининг Улуғбек маҳалласи фуқаролар йиғини билан жипс ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Яқинда бу ерда «Устоз ва шогирдлар мактаби» очилди. Бу ерда тажрибали мураббийлар ўсмирларга сартарошлик ва пойабзални тиклаш ишларини ўргатмоқдалар. Ўқувчилар дарслардан сўнг устахоналарда ишлаб аҳолига маиший хизмат ҳам кўрсатмоқдалар.

ЖАҲОНДА

● Франция парламентининг депутатлари ёшлар учун меҳнат шартномаси тўғрисидаги янги қонуннинг лойиҳасини таклиф этдилар. Унда ёш французларнинг ишга жойлаштирилиши юзасидан ижтимоий дастур харажатларини 150 миллион еврога ошириш кўзда тутилган.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес энергия элтувчиларга нисбатан экспорт сиёсатини тубдан ўзгартириш йўлларини ўйламоқда. Унинг таъкидлашича, 1 баррел нефть учун мақбул нарх ҳозиргидек 65 эмас, балки 50 доллардир. Таъкидлаш жоизки, Венесуэла жаҳонда энг улкан нефть заҳираларига эга.

● Мадридда ЭТА гуруҳининг сиёсий қаноти ҳисобланмиш Испанияда тақиқланган «Батасуна» партиясининг раҳбари судда жавоб бермоқда. У терроризмни мадҳ этишда айбланмоқда.


● Венгриядаги парламент сайловларида кураш мамлакатни бошқараётган социалистлар ва мухолифатдаги консерваторлар партиялари ўртасида кечмоқда. Шарҳловчиларнинг фикрича, бу йилги сайловлар Венгриянинг бундан икки йил муқаддам Европа Иттифоқи ва НАТОга кирганлигининг муайян натижаларини кўрсатмоқда.

● Болтиқ флотининг ҳарбий-денгиз базасида МДҲ мамлакатлари ҳаво ҳужумларига қарши мудофаа қўшинларининг ҳамкорликдаги ўқув йиғинлари бўлиб ўтди.

● Жазоир парранда гриппини келтириб чиқарувчи H5N1 вирусини бир лаҳзада йўқ қиладиган препаратни ишлаб чиқариш ва сотишни бошлади. Бу ҳақда дори-дармонлар ва тиббиёт препаратлари давлат компаниясининг директори Али Аун маълум қилди. Парранда гриппига қарши восита мамлакат дорихоналарида сотилмоқда ва Жазоирдаги касалхоналарга етказиб берилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар





Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза компьютер касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Ёшлар ва ҳуқуқ» деб номланди.

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги умумтаълим мактабларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан юқори синф ўқувчилари иштирокида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказилди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими ташаббуси билан мактаб бошланғич ташкилотлари «Камолот» ва «Камалак» сардорлари иштирокида ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги Геннадий Красницкий номли стадионда Бектемир туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида футбол бўйича халқаро мусобақа ўтказилди.

● **БУГУН** Сергели туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилбар Сиддиқова ҳамда туман ёшлари иштирокида учрашув уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни Миробод туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган семинар аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида фаоллар иштирокида ўтказилган йиғилишда май, июнь ойларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига уюштириладиган сайлов жараёнига тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Белтепа» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Соғлом эътиқод — қалб жавҳари» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган маънавий-маърифий кеча «Эзгулик — умр зийнати» деб номланди.

● **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгашининг ташаббуси билан уюштирилган тадбирда олий ўқув юртларидан «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши конференциясига делегат бўлиб сайланган ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими ташаббуси билан «Камолот» ЁИҲнинг туман миқёсидаги фаолиятини тарғиб этиш масаласига бағишланган тадбир ва янги ёзилажак китобнинг муҳокамаси уюштирилди.

● **ЎТГАН КУНИ** Бектемир туманидаги «Қўйлиқ деҳқон бозори» очиқ акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган семинар «Ўзбекистон — демократик тараққиётнинг янги босқичида» деб номланди.

●**ЎТГАН КУНИ** Учтепа туманидаги «Дегрез» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан тумандаги тадбиркор аёллар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Иқтисодиёт

МАМЛАКАТИМИЗДА ЯГОНА

МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ САНАЛИШИНИ ДИЛДАН ҲИС ЭТГАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «HUA LU» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ ТОМОНИДАН ОЙИГА 12 ТОННА ИПАК ИПЛАР ТАЙЁРЛАШ ИМКОНИЯТИ МАВЖУД.

Ушбу корхона ташкил этилганига ҳали бир йил тўлмасада, бу ерда пилла хом ашёсидан ишлаб чиқарилаётган ипак ипларига Хитой, Ҳиндистон ва Европанинг қатор давлатларидан буюртмалар тушмоқда. Уларни бажариш, маҳсулот экспортини йўлга қўйиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш эса тинимсиз изланиш ва меҳнатни талаб этади.

Аввало, корхонанинг иш бошлаши 100 нафардан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаганини айтиб ўтиш жоиз. Улар Хитойдан келтирилган замонавий дастгоҳларни бошқариш асносида зарарли химикатлардан ҳоли, экологик тоза ипак маҳсулотини тайёрлашни йўлга қўйишганки, албатта, ундан ишлаб чиқариладиган матолар ҳам жаҳон андозалари даражасида бўлади. Шу боис ҳам харидорлар сафи кенгайиб бормоқда.

— Жаҳон андозалари даражасидаги ипак маҳсулотини тайёрлашда замонавий технологик линиялар энг яқин мададкоримиз, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Муртозоев. — Шуниси эътиборлики, ипак ипларимизнинг 100 фоизини четга чиқарамиз. Бу билан мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилганмиз. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши учун эса, албатта харидор талабидан келиб чиқиб ишлаш, бозорни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Асосий хом ашё — пиллани ўзимиз етиштирамиз. Бунинг учун эса Хитой давлатидан ипак қурти уруғини олиб келиб парваришлашни йўлга қўямиз. Айни кунларда ишларимиз қизғин паллага кирган. Бу борада яъни биз учун зарур сифатли хом ашёни тайёрлашда вилоятлардаги пилла бирлашмалари энг яқин кўмакчимиз, ҳамкоримиз ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ягона ҳисобланган ушбу ишлаб чиқариш корхонасида қўшимча ишчи ўринлари яратилишига эътибор қаратилмоқда. Йил охиригача яна 200 нафар аҳолини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА:замонавий линиялар билан жиҳозланган ипак цехида; илғорлар сафидан ўрин олиб улгурган ишчи Наргиза Йўлдошева тайёр маҳсулотнинг хорижий давлатларга экспорт қилинишидан мамнун.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

ЙОД ТАНҚИСЛИГИ МУАММОСИ БУТУН ДУНЁДА ДОЛЗАРБ МАСАЛА БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА. ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ҲОЛАТЛАРИ ИНСОН ҲАЁТИДА ЭНГ КЎП УЧРАЙДИГАН КАСАЛЛИКЛАР СИРАСИГА КИРИБ, ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИНИНГ УЧДАН БИР ҚИСМИ УНДАН АЗИЯТ ЧЕКАЁТИР. ДУНЁ АҲОЛИСИНИНГ ИККИ МИЛЛИАРД НАФАРГА ЯҚИНИ ЭСА ЙОДЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАЯПТИ.

Мамлакатимизда ушбу муаммони бартараф этиш бўйича муҳим чора- тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш муаммоларига оид қарори ва давлат Дастури қабул қилинган.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида Ўзбекистонда йод танқислиги ҳолати ва унинг олдини олиш истиқболларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Парламент қуйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ушбу тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этди.

Мазкур қўмита раиси И.Насриев бошқарган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар, идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тиббий олий ўқув юртлари вакиллари, таниқли олимлар ва мутахассислар қатнашдилар.

Йиғилишда юртимизда йод танқислигининг олдини олиш истиқболлари, илмий ҳамда ҳуқуқий асослари, бу ишда ҳукумат томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақидаги маърузалар тингланди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан юртимизда йод танқислигининг олдини олишга оид янги қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. «Тузни йодлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шулар жумласидандир. Ушбу қонун тузни мажбурий йодлаштиришни таъминлаш орқали йод танқислигини келтириб чиқарувчи касалликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири

Қарор ва ижро

БАНК — ТАДБИРКОР ЁРДАМЧИСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР.

Жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам бу борада тадбиркорларнинг ишончини оқламоқда. Ижтимоий ривожлантириш дастурлари ҳамда хориж сармоясини кенг жалб қилишга қаратилган йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мазкур банкнинг асосий вазифаларидандир.

— Банкимизда тадбиркорликни ривожлантиришга доир ишлар доимий эътиборда, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг кредит хатарларини бошқариш департаменти директори Асрор Асқаров. — Бу ишда банк ўз маблағи ҳамда бюджетдан ташқари, жамғармалар маблағлари ҳисобига кичик бизнесни миллий ва хорижий валютада муваффақиятли кредитлаб келмоқда. Хусусан, ўтган йили кичик бизнес субъектларига 20332 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди. Шундан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш лойиҳаларига йўналтирилган кредитлар 15182 миллион сўмни ва ажратилган микрокредитлар эса 4556 миллион сўмни ташкил этди. Жами ажратилган кредитларнинг 8331 миллион сўми саноатга, 2546 миллион сўми қишлоқ хўжалиги, 3345 миллион сўми қурилиш, маиший хизмат ва 6110 миллион сўми эса иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш намунаси сифатида «Афросиёб савдо» МЧЖ ва «Сардор импекс» қўшма корхонасини кўрсатиш мумкин. «Афросиёб савдо»га автомобилларнинг газ ёнилғиси қуйиш шохобчасига зарур жиҳозлар сотиб олиш учун кредит берилди. Шу тариқа маҳаллий хомашё ёрдамида автомобиль газ баллонларини ёнилғи билан тўлдириш йўлга қўйилди. «Сардор импекс» қўшма корхонасига эса девор ва шифт қопламалари ишлаб чиқариш учун жиҳозлар харид қилишга кредит ажратилди. Натижада, мазкур қопламаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш имкони туғилди.

Банкимиз кичик бизнес субъектларига кредит ажратиш баробарида уларга ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, молиявий маблағларни бошқаришда маслаҳат бериш, лойиҳалар тайёрлаш, маҳсулот маркетингини ташкил этишда ҳам амалий ёрдам бермоқда.

Шунингдек, ҳукуматимизнинг кичик бизнесни ривожлантиришда тижорат банкларининг иштирокини рағбатлантиришга оид қарори асосида банкимизда имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ташкил этилган. Ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларининг умумий ҳисобда 16891 миллион сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар имтиёзли кредитлар ҳисобидан қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар, уруғлик ва кўчатлар, хомашё, қурилиш материаллари ва ускуналар харид қилаётир.

Ўтган йили банкимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида берган кредитлари ҳисобидан 4,5 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди, тўрт миллиард сўмликдан ортиқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Кредит беришда маҳаллий хомашёга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банкимиз мижозларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш ва улар билан ўзаро ишонч руҳидаги ҳамкорлик қилиш борасида барча имкониятларни ишга солмоқда.

ЎзА мухбири Акмал НАЗАРОВ ёзиб олди

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 15 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

Маҳалланг — ота-онанг

БАРЧА УЧУН ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

«ВАТАН — ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ», — ДЕЙДИ ДОНО ХАЛҚИМИЗ. ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА АЙТИШ МУМКИНКИ ОСТОНА — МАҲАЛЛА ЭШИГИДИР. ҲАР БИРИМИЗ МАНА ШУ МАҲАЛЛАДА ВОЯГА ЕТАМИЗ, ҲАЁТ АЛИФБОСИНИНГ ИЛК САБОҒИНИ ҲАМ ШУ ЕРДАН ОЛАМИЗ. ҚАДР-ҚИММАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИНИНГ ҚАНЧАЛИК ОБОД, ОРАСТА БЎЛИШИ ҲАР БИРИМИЗГА, ҚОЛАВЕРСА БУ ЙЎЛДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТИМИЗГА БОҒЛИҚ.







Илгари хабар берганимиздек май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади. Бу албатта шу юрт фуқароси бўлган ҳар биримизнинг ҳаётимизга дахлдор воқеадир. «Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов. — Давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштиришда, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан кун ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз».

Маълумки, бу йилги сайловлар ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёнларини ўзида ифода этиши ва ошкоралик тарзида ўтказилиши керак. Айни кунларда фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини намунали ташкил этиш борасида учрашув ва тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, куни кеча Собир Раҳимов туман ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-йиғилиш ҳам айнан долзарб бўлган мана шу вазифа — фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига бағишланди. Ушбу тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи, туманлар ҳокимликлари ташкилий назорат гуруҳлари раҳбарлари ва мутахассислари, туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раислари ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳлари раислари иштирок этди. Шунингдек шаҳар ҳокими ўринбосарлари ва бир қатор масъул ходимлар иштирок этди.

Семинарда туман ҳокими Б.Ҳакимов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари И.Бердибеков ва бошқалар сўзга чиқиб сайловларнинг уюшқоқлик билан ва адолатли ўтишини таъминлаш лозимлиги, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига билимдон, тажрибали, ўз уйи, юрти, маҳалласи учун фидойилик билан хизмат қиладиган, қайғурадиган инсонларнинг оқсоқолликка сайланишига эришиш бугуннинг энг долзарб вазифаси эканлиги ҳақида фикр билдирдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида фуқаролар йиғинлари раислигига ташкилотчилик қобилиятига эга ҳамда аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор шахсларни танлаб сайлаш лозимлиги уқтириб ўтилган. Ўз-ўзидан кўринадики ушбу сайлов кампаниясига яхши тайёргарлик кўрилиб муносиб номзодлар сайланса келажакда маҳалла янада фаровонлашиб, обод бўлади. Аксинча, ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўядиган тасодифий кишилар сайланиб қолса маҳалла жабр кўради, ишонч йўқолади.

Шунинг учун маҳаллаларда ўтадиган сайлов жараёнларига ниҳоятда пухта тайёргарлик кўриш, тузилган ишчи гуруҳи аъзоларига яқиндан ёрдам бериш, жойларда тузилган туман кўмаклашувчи комиссияларининг масъулиятини ҳамда жавобгарлигини ошириш лозимлиги хусусида ҳам фикр билдирилди.

Шунингдек, йиғилишда «Амалий ва истиқболли захирани шакллантириш ва ушбу йўналиш билан ишлаш» мавзусида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи бош мутахассиси Б.Ганиевнинг фикрлари тингланди. Базани шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодларни тавсия этиш бўйича Яккасарой тумани ҳокимлигининг тажрибаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жойлардаги ижроси хусусида фикрлар ҳам эшитилди. Ҳар бир мавзу юзасидан қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари фақат оғзаки фикрларга таяниб қолмасдан С.Рахимов тумани тимсолида айтиб ўтилган фикр-мулоҳазаларнинг амалий ифодасини тумандаги «Пахта», «Ачаобод» маҳаллаларида кўрдилар ва бўлажак сайловларга тайёргарлик жараёни билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, охирги бир йил ичида амалга оширилган улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудининг ва ёшлар турар жойларининг бугунги қиёфаси билан танишдилар. Бўрттирмасдан, оширмасдан тан олиб айтиш лозимки, Собир Раҳимов тумани пойтахт чиройига кўрк бағишлайдиган энг сўлим гўшалардан бирига айланди ва бундан кейин ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари давом этади, аҳолига қулайлик яратиш борасида янги-янги хайрли ниятларга қўл урилади. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида қатор режаларни бажаришга бел боғлаган соҳа мутасаддилари туман билан танишув чоғида юқоридаги фикрларни ифтихор билан айтиб ўтдилар.

Биз бир олам таассуротларини ўзаро ўртоқлашаётган тадбир иштирокчиларининг фикрларини қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

● Ҳайдарали ҚОРАБОЛАЕВ, Учтепа тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси:

— Бугунги тадбир менимча ҳар бир иштирокчи учун фойдали бўлди. Бўлажак сайловларда асосий эътиборни нимага қаратиш лозим, тайёргарлик жараёни хусусидаги барча саволларга тўлиқ жавоб олдик. Дарҳақиқат, ушбу сайлов ҳаммамиз учун жиддий синов бўлиб, уни муваффақиятли ўтказиш, муносиб номзодлар сайланишига эришиш учун жиддий тайёргарлик кўришимиз, ҳар бир номзод ҳар томонлама ўрганилиб, кейин тавсия этилишига эришиш керак. Шундагина халқ дардини эшитадиган, оғирини енгил қилишга интиладиган, маҳалланинг ободлигига ҳисса қўшадиган муносиб номзодлар сайланишига муваффақ бўламиз.

● Муҳиддин ТУРСУНБОЕВ, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши қошидаги «Посбон» маркази раҳбари:

—Бугунги кунда маҳалланинг жамиятимизда тутган ўрни, мавқеи ҳақида ҳар биримиз жуда яхши биламиз. Элу юрт тинчлиги, Ватан ободлигига қўшаётган муносиб ҳиссаси тўғрисида эса фахрланиб гапирсак яраша-ди. Шундай экан, бўлажак сайловларнинг одилона ўтишига эришиш, номзодларни танлашда адашмаслик биринчи галдаги вазифамиз бўлиши керак. Жонкуяр, юрт фидойиси бўлган, давлат сиёсатини ва бошқа давлатларда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни яхши тушунадиган ҳуқуқий саводхон оқсоқолгина халқни ўз ортидан эргаштира олади.

● Раиса СОДИҚОВА, «Пахта» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси:

— Маҳалламизда 3.912 нафар аҳоли истиқомат қилади. Имкон борича ҳар бир хонадонга кириб боришга, муаммо ва камчиликларни жойида ҳал қилишга, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга, ёшлар тарбияси билан янада жиддийроқ шуғулланишга, бир сўз билан айтганда маҳалламиз аҳлининг тинч-тотувликда, осуда ҳаёт кечиришига ҳисса қўшишга интилиб келмоқдамиз. Шунингдек, айни кунларда бўлажак сайловнинг мазмун-моҳиятини халқимизга тушунтириб, унинг одилона ўтиши йўлида барча саъй-ҳаракатларни олиб боряпмиз.

Маҳалланг — ота-онанг. Туғилиб-ўсган осуда маконинг. Унинг равнақи, ривож топиши, фаровонлигига ҳар биримиз масъулмиз. Бўлиб ўтажак сайловларда фаоллик кўрсатиб ўз бурчимизни адо этайлик. Семинар-кенгаш қатнашчилари қалбидан айнан юқоридаги фикрлар ўтган бўлса ажаб эмас.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туман ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбирдан ва тумандаги ибратли маҳаллалар ҳаётидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Иғлиса ошиқ кулари, бас, маҳол,
Кулса тақи билгил ялғон кулар.
Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

Хирад элиға кўксин тутди қоғоз,
Ҳам ирфон ишқида қон ютди қоғоз.
Анбар ОТИН

Кўзларинг гар тўкса қоним,
жон анга бўлсин фидо,
Ким, жафо айни вафодур ёрга
севган ёридин.
ОТОЙИ

Ишқсиз камол бўлмас ушбу оламда.
Паҳлавон МАҲМУД

Кимдаки ишқ бордур, зор
тақи низордур,
Гарчи гадойи хордур, ишқ
ани подшо қилур.
Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

Ошиқ эрмас ул маҳвашким,
тилар зар бирла васл.
ОТОЙИ

Бу ишқ савдосининг поёни бўлмас.
Агар ошиқ ўлар, товони бўлмас.
САЙЁДИЙ

Бевафоларга кўнгул берса
агар ҳар кимсаким,
Мубталойи меҳнати ҳижрон
экандур билмадим.
ТОЛИБИЙ

Отойиға биҳишти жовидондур,
Севар ёри бирла бир лаҳза дийдор.
ОТОЙИ

Фироқдин сўнгра хуш бўлур қовушмоқ,
Қоришмиш янглиғ ул шаккарга қаймоқ.
ҚУТБ

Мен нетай боғу биҳишту қасри
хулду ҳурни,
Чун менга бир дам висолинг
яхшироқтур боридин.
***

Тилар эл мансаби олий ва лекин,
Отойи сарви озодингга банда.
***

Киши жаҳонда ризо бирла
тарки жон этмас,
Магарки сендин айирғай,
бегим, қазо бизни.
ОТОЙИ

Чун ҳашр қисмат кунинда
бўлди таъйин, эй,
Неча манъ этгайсан
охир-ошиқи авбошни.
ГАДОЙИ

ХУШХУЛҚЛИК, ШИРИНСЎЗЛИК, РАҲМ-ШАФҚАТ, МУРУВВАТНИНГ ФОЙДАСИ, МИННАТНИНГ ЗАРАРИ

Кимки билиб сўзласа ўз сўзини,
Билди яқинки таниди ўзини.
Ҳар кишиким билди ўзин сўзламас.
Ҳақдин у чун ўзгани кўзламас.
Саид ҚОСИМИЙ

Мулойимлик — ризқ сари етакловчи калит!
Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Эй биродар, бўлса идрокинг мудом,
Элда бўлгин, доимо ширин калом!
Хўмрайиб ҳар кимса аччиқ сўзлагай,
Дўстлари ундан қочишни кўзлагай!
Фаридиддин АТТОР

Ҳалимликни қилсанг агар ихтиёр,
Бўлур халқи олам сенга дўст-ёр.
Бўлур мевали шохнинг боши паст,
Ҳалим ўлғуси оқилу хушёр.
САЙҚАЛИЙ

Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарса бор, ҳушмуомалалик, одоб ва садоқат.
Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Ҳакимларнинг айтишича, хушмуомалаликнинг ўнта белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик.
«Фавоқиҳ ал-жуласо»

Ажаб тўти такаллум хушсуханлар,
Аларнинг шонида кел эй суханвар.
САЙҚАЛИЙ

Баъзи ҳакимларнинг фикрича, хушхулқликнинг ўнта нишонаси бор. Улар қуйидагилар: биринчи, яхши ишларда одамлар билан ҳамиша бирга бўлиш, иккинчи, нафс кўйига кирмаслик, учинчи, ўзгалар айбини қидирмаслик, тўртинчи, бировдан бирор айб содир бўлса, уни яхшиликка йўйиш, бешинчи, айбдор узр сўраса, айбини кечириш, олтинчи, муҳтожлар ҳожатини чиқариш, еттинчи, ўзи ҳақида ўйлайвермай, бошқалар ҳақида ҳам қайғуриш, саккизинчи, ўз айбига иқрор бўлиш, тўққизинчи, очиқ юзлик бўлиш, ўнинчи, хушмуомала бўлиш.

Жаҳонда қидириб, кимдан сўрмадим,
Яхши хулқдан яхши нарса кўрмадим!
Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Инсон гўзаллигининг асоси
унинг чиройли хулқидир.
Чиройли хулқ билан инсон инсондир,
Четдан боқсанг шакли ҳаммаси бир хил.
Рангу ҳиди билан фарқи билинар,
Ёзилишда бир хил бўлган «гулу гил!»
ХУРРАМИЙ

Хуш қилиғлиқ бўлур саодатманд,
Хоҳламаски, етурғай элга газанд.
Сидқий ХОНДОЙЛИҚИЙ

Ширинсўзлик ва мулойимлик
балони қайтаришга қодир.
Барҳурдор ибн МАҲМУД

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН ПОЙТАХТИМИЗНИНГ СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ МАКТАБЛАРАРО РЕСУРС МАРКАЗИДА «МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ФАНЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ» МАВЗУИДА СЕМИНАР-МАШҒУЛОТ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ПЕДАГОГЛАР, ЎҚИТУВЧИЛАР ВА УСЛУБЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 29 сентябрда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ёшлар учун миллий ахборот ресурсларини шакллантириш, уларнинг камол топишига кўмаклашадиган ахборотдан кенг кўламда фойдаланишини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда мазкур ҳужжатга мувофиқ умумтаълим фанлари бўйича ўқув қўлланмалари, электрон дарсликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Мазкур қўлланмалар дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш, ноанъанавий дарс усулларини қўллаш, фанларни ўзаро боғлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш, медиа-дарсларни ташкил этишда ўқитувчига қўл келиши баробарида ёшларни мустақил фикрлаш, мавзуга ижодий ёндошишда ҳам катта ёрдам беради.

Семинарда меҳнат таълимида қўллаш учун қатор мактабларда ўқитувчилар томонидан электрон саҳифалар, қўлланмалар яратилганига эътибор қаратилди. Жумладан, мазкур тумандаги 277-мактаб ўқитувчиси Г.Маҳаматованинг «Бегойим» сайти: www.begoyim.edunet.uz, 322-мактаб ўқитувчиси Д.Ёқубованинг «Меҳнат дарсларида компьютер технологияларидан фойдаланиш» сайти: www.geo.edunet.uz, 301-мактаб ўқитувчиси А.Юнусованинг меҳнат фанидан электрон методик қўлланма сайти: www.pazanda.edunet.uz шулар жумласидандир. Давлат таълим стандартлари асосидаги мазкур электрон қўлланмаларда пазандалик, чеварлик, тикиш-бичиш сир-асрорлари хусусида атрофлича маълумот берилган бўлиб, улардан уй бекалари ҳам фойдаланиши мумкин.

Семинар-машғулотда медиа-дарсларнинг бугунги таълим тизимидаги аҳамияти ҳақида маърузалар тингланди, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎзА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Саёҳат» меҳмонхонаси ёнида 4 хонали ғиштли уй сотилади. 2 қават.
Тел: 68-23-46, 67-31-61.

Қисқа вақтга квартира топшираман. Телефон 127-62-48.
Ижарада туриш учун квартира керак. Телефон 127-62-48.

Масъулияти чекланган жамият «ALP JAMOL C» қўшма корхонасига берилган № 3517540093 рақамли ер ижара кадастри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 78-57-51, 173-03-99.

МАЪЛУМКИ, ҲОЗИРГИ КУНДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ ТАДБИР ВА СЕМИНАРЛАР, АЁЛЛАР ЎРТАСИДАГИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ФИКРИМИЗНИНГ ЯҚҚОЛ ИСБОТИ БЎЛА ОЛАДИ.

Анжуманлар

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Жумладан, куни кеча Учтепа тумани ҳокимлигида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва маънавиятини юксалтириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «ELNAJOT» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамда Учтепа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда Учтепа тумани хотин-қизлар қўмиталарининг раислари ва фаоллари, диний маърифат ва маънавий- ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат жами 50 га яқин киши иштирок этди.

Семинарни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова очиб берди.

Шундан сўнг Германиянинг Фридрих Эберт номли жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг раҳбари Найла Разяпова, «ELNAJOT» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти раиси ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Семинарда Ўзбекистон фуқароларининг конституцион ҳуқуқлари ва Халқаро Конвенциялар, Ўзбекистон қонунчилигида аёллар учун кўзда тутилган имтиёзлар, ёшларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш муаммолари ва уларнинг ечимлари мавзуида фикр алмашилди, қилинажак ишлар режалаштирилиб олинди.

Зебунисо ГИЁСОВА,
ЎзЖТУ халқаро журналистика факультети

БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ

Телефон қўнғироғи жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсак, ундан эркак кишининг овози эшитилди.

— «Бу «Оқшом»ми?

— Худди шундай, эшитамиз сизни?

Биз Юнусободнинг 2-мавзесида истиқомат қиламиз. Сизларга шикоятимиз бор. Марҳамат қилиб ёзиб олсангиз.

— Бемалол айтинг.

— Биз яшаётган мавзе анча катта. Унга Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалла ҳам туташ. Гап шундаки, бизнинг хонадонларимизда электр чироғи тез-тез ўчиб туради. Баъзи вақтлари икки кунлаб ёнмайди. Шундай кезларда, айниқса кечалари жуда қийналамиз. Лифт ишламайди. Биз ёшларку майли-я, аммо қарияларнинг тўққиз қаватли уйларга зиналар орқали чиқиб-тушишининг ўзи бўлмайди.

— Яхши, яшаш жойингиз, исми-шарифингизни айтинг?

—Буниси нимага керак? Айтдим бўлдида. Исми-шарифимни ошкор этишим шарт эмас, — шундай дея гўшакни қўйди шикоятчи.

Ана холос. Шикоят қиламизу исми-шарифимизни билдиришдан тортинамиз. Нега? Ахир «Бетга айтганнинг заҳри йўқ». Шундай экан, нега бетма-бет учрашувдан қўрқамиз? Аслида мана шу тортинчоқлик, меъёридан ортиқ андишага боришимиз ҳам кўпинча юқоридаги иллатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бунинг жабрини эса кўпинча ўзимиз тортамиз.

Албатта таҳририят туман электр тармоқлари корхонасига сим қоқиб, шикоятчининг эътирозини етказди. Улардан бизга жавоб қилинишича, ҳозир хонадонларда электр чироғи тартибли равишда ёниб турибди.

ИНСОФ БИЛАН СЎЗЛАГАНДА

Ён қўшнимиз шикоят қилиб қолди.

— Биз яшаётган кўп қаватли уйга кўчиб келганимизга анча йиллар бўлди. Хоналарнинг оҳори тўкилди. Лекин шу вақтгача мутасаддилар уни қайта таъмирлаб беришни ўйлашмайди.

— Ким таъмирлаб беради? Ҳозир ўзимиз яшаб турган хонадоннинг ҳолатига ўзимиз жавоб беришимиз керак, — десам қўшним мендан ранжигандек бўлди.

«Рост гап туққанингга ёқмайди», деганлари шу бўлса керак-да. Ахир қачонгача ўзимиз бузиб, ўзгалардан нажот кутамиз? Нега энди биз истиқомат қилаётган хонадонни бошқа бировлар таъмирлаб бериши керак? Баъзиларимиз шу даражага бориб етдикки, (бу гап кўп қаватли уйларда яшовчиларга тааллуқли) йўлагимиз супурилмай қолса фаррошнинг йўқлигидан шикоят қиламиз. Уйимиз рўпарасида ўзимиз пайдо қилган ахлатхонани тозалаб беришни ўзгалардан кутамиз. Нега? Инсоф билан айтганда, йўлагимизни тозалаш ўзимизнинг вазифамизку.

Энг ёмони, баъзан мана шу масъуллигимизни сезмаслик ҳисси ота-боболаримиздан қолган ҳашар деган яхши удумларимиздан бизни анча узоқлаштириб қўйяпти. Ўтмишда ҳашар йўли билан не-не юмушлар бажарилганини бир эслайлик. Бу анъана кундалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олганида, ўртадаги сансалорликка бутунлай чек қўйилган бўлур эди.

САВОБ ҲАМ КЕРАК

Машҳур кўз шифокори, профессор Холидбек Комилов ҳузуридамиз. Суҳбат қизиган чоғда хонага уч-тўрт чоғли кишилар рухсат сўраб, бир йигитни бошлаб киришди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

—Профессор илтимос, шу йигитни бир кўриб қўйсангиз. Бугун бир ҳафта бўлди, бир кўзини очолмайди. Икки-уч жойга бориб кўрдик. «Ўтиб кетади» деб дори-дармон ёзиб беришади. Лекин натижаси бўлмаяпти.

Холидбек бизга «Ҳозир, бир зум» дея беморга юзланди.

—Қани бу ерга ўтиринг-чи, ука.

Шундан сўнг у дурбинини кўзига қўндириб, беморнинг кўзини синчиклаб кўрди.

— Сизга ҳеч қандай дори-дармоннинг кераги йўқ. Кўзингизга бирон нарса тушган кўринади.

— Дастгоҳда тахта рандалаётган эдим. Кўзимга учқуни сачрагандек бўлувди. Уч-тўрт кун қичишиб, ачишиб юрди. Кейин қизариб шишиб кетди. Кўз докторларига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Улар кўриб нуқул уч-тўрт хил дориларни ёзиб беришади. Олиб қуяман, фойдаси бўлмайди.

— Ҳозир олиб ташлаймиз. Қани, мана бу қурилмага яқинроқ келингчи?

Профессор кўз аппаратини ишга солди. У яна бир бор қурилма орқали оғриқ кўзни синчиклаб кузатди. Кейин қўлига керакли асбобни тутиб, кўз милкларини оҳиста юқорига кўтарди. Ҳамшира қиз унга ёрдамлашиб турди.

— Мана бўлди, ука, дарддан бутунлай қутулдингиз, — деди бироздан кейин.

Бемор қайта-қайта раҳмат айтиб чиқиб кетди. Шунда профессор бизга юзланиб:

— Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Бу гап, айниқса биз шифокорларга тааллуқли, — деб қўйди.

Оила даврасида

ОТА-ОНА ИБРАТИ

Хонага бир аёл кириб келди. У ўзини йиғидан тиёлмасди. Биз ҳайрон бўлиб аёлга тикилдик.

— Ўтиринг, тинчланинг, нима бўлди ўзи? — дедик унга.

— Тақдирим қурсин, бахтсиз аёлман, маслаҳат сўраб келдим сизлардан, педагогсизлар, мени тушунасизлар...

— Гапиринг нима бўлди?— дедим аёлга яқинлашиб.

— Кечирасиз, — деди аёл менга қараб. —Сиз мени танисангиз керак, мен сизнинг лекцияларингизни эшитганман. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курсида ўқиганман.

— Ҳа,айтганча сиз Сайёрахонсиза?

—Мен ўша бахти қароман.

У вақтларда бу аёл жуда келишган, чиройли эди. Ўзгариб, қариб кетибди. Кўзларида ташвиш аломатлари...

Бир куни у менга ҳаётдан нолиб гапирган эди. Эри уни рашк қилишини, унга ишонмаслиги, қўполлик қилишини, бир қизчаси борлигини ҳам айтган эди.

— Қизингиз катта бўлиб қолгандир? — дедим.

— Ҳа, бўйи етиб қолди. Лекин у ҳозир кетиб қолган.

— Қаерга?

— Бувисиникига. — Аёл чуқур тин олди.— Ўқишини ҳам ташлади. Жуда ўжар. Аёл кўзида қалқиган ёшларини бармоғи билан артиб қўйди-ю, нимадир демоқчи эди, томоғига бир нима тиқилгандай ютиниб, безовта бўлди. Уни оғир изтироб чекаётгани чеҳрасидан сезилиб турар эди. Сумкасини очди.

— Кечирасизлар, чексам майлими? — деди.

— Йўқ, бу ер идора. Ҳали чекишни ҳам одат қилдингизми, — дедим пичинг билан.

— Киши сиқилиб кетар экан бу ҳаётдан, — деди аёл тамакисини сумкага сола туриб.

Ўша вақтларни эсладим.Аёлнинг хулқ-атвори, ножўя хатти-ҳаракатлари курс тингловчиларига эриш туюлиб, уни ёқтиришмасди. Мен ҳам уни ҳурмат қилмасдим. Дарсларга кечикарди ёки дарс тингламай кетиб қоларди.

Бир куни шундай бўлди. Маъруза ўқиётган эдим. Эшик очилди. Бир эркак пайдо бўлди. Атрофга аланглаб:

— Сайёрахон, — деб чақирди. Сайёра ўнғайсизланиб:

— Рухсат беринг мени чақиришяпти, — деди.

— Ҳозир танаффус бўлади, — дедим унга. Аёл кейинги дарсда кўринмади.

Билсак у эркак турмуш ўртоғи эмас, «дон олишиб» юрган одами экан.

Бугун бу аёлни бу ерга қандай мақсад билан келгани бизга аён эмас эди. Мен қизидан гап очдим. Шунда у яна йиғламсираб:

— Наргиза биздан кечган, на отасини, на мени дейди. Турмуш қилувдим, фарзанд кўрмадик, ажралиб кетдим, ҳозир ёлғизман...

Наргизани олдингизга олиб келсам, унга насиҳат қилсангиз, уйга қайтса, деб келувдим. Зора инсофга кириб қолса. Ҳадеб ўша вақтдагиларни юзимга солгани-солган, мени ташлаб кўйгансизлар, интернатга бергансизлар, дейди. Кичкина бўлса ҳам ҳаммаси эсида экан. Энди бўйи етиб қолди. Жуда ташвишланаман. Бу юришида бир фалокатга йўлиқмаса, — деди аёл юмюм йиғлаб.

Ҳа, энди «Нимани эксанг, шуни оласан», деган гап бор. Аёлнинг ўзи бебахт бўлибди, бунга ўзи айбдор. Енгилтаклиги оқибатида қизини ҳам бахтсиз қилибди... Бу ўринда атоқли педагог Сухомлинскийнинг ўгитларини эслаш ўринлидир. «Ҳар бир инсон, — деган эди у, — болалигида меҳр ҳамдардлигини талаб этади. Бордию, бола бераҳмлик вазиятида ўсса, яхшилик ва гўзалликка нисбатан парвосиз бўлиб қолади». Бу оила учун ўта кўнгилсиз бир ҳолдир.

Дарҳақиқат, Наргиза авжи меҳрга, шафқат, ширин сўз ва ёрдамга муҳтожлик пайтида ота-онасидан нима мурувват кўрди? Энди-чи, ота-она ундан шафқат, меҳр кута оладими? Ўкинч,изтироб, соғинч, алам Наргиза қалбини поралаб, сўнг тош қилиб юборгани аниқ! Билмадим менинг насиҳатларим қиз қалбини юмшатармикан? Сайёра ақл ва фаросат билан иш тутганида эди, балки шундай бўлмасди. Ахир педагог эди. Тарбиячи тарбиясизлик қилди-я!

Эр-хотиннинг ўзаро тотувлиги оила гўзаллигини яратади. Бундай оилада тарбияланаётган болалар эса ота-онадан андоза олиб, ҳаётимизнинг безаклари бўладилар.

Ҳаётда яхшилик, ширинсуханликдан аъло фазилат борми? Бу олижаноб сифатлар катталардан болаларга, аввало, оилада сингади.

Ҳаёт кўркам ва мазмунли; ҳамма нарса бисёр. Шу гулгун ҳаётда муносиб кишилар бўлишни турмушнинг ўзи тақозо этяпти. Оилада ота-она ва фарзандлар иноклиги оиланинг гўзаллигини эмас, шу билан бирга жамиятимизнинг кўрки ва равнақини ҳам таъмин этади. Ҳар бир ота-она, ҳар бир ўғил-қиз ўз инсоний бурчларига қатъий амал қилмоғи лозим. Шундагина оила мустаҳкам ва гўзал, оила аъзолари эса бахтли-саодатли бўлади.

Кумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори,
профессор

ТАФАККУР КАМОЛОТИ

- *Миршаб кимни ушлаб келгани учун эмас, шу ишни бажаргани учун маош олади.*
- *«Елпиғич» одамлар бўлмаганда кибр ҳам ормиздан ўчган бўларди.*
- *Китоб бамисоли қуёш, ўз ҳикматини ҳеч кимдан аямайдиган сахий хазинадир.*
- *Ҳеч қачон дўстликка гард юқтирмай, бир умр дўст бўлиб қоладиган билим манбаи — китобдир.*
- *Кечаги ҳаёт билан бугунги ҳаётни таққослаш, эртанги ҳаёт режасини тузиш учун энг бебаҳо манба – китобдир.*
- *Китоб ўқимай, уни уқмай донишманд бўламан деган одам ё тентак, ё...*
- *Донишманд одам ҳаётда қоқилиши мумкин, лекин ҳеч қачон йиқилмайди.*
- *Ўқиш ва уқишни бир медалнинг икки томони деб уққангина ва унга тўла амал қилгангина билимли бўлиши мумкин.*
- *Хушмуомалали бўлиш учун китоб ўқинг.*
- *Ҳамма қизиқарли, хилма-хил билимлар хазинаси китобдир.*
- *Бошқаларга эътиборли бўлсангиз, эътибор топасиз.*
- *Қатъиятли бўлишга ўргатадиган биринчи муаллим китобдир.*
- *Ваъдага вафоли бўлиш- эл меҳрини қозониш демак.*
- *Соғлом бўлай десангиз, озода бўлинг.*
- *Таъна тоши қалбни жароҳатлайди, шуни унутманг.*
- *Рақибингиз одобли бўлса, у билан дўстлашинг.*
- *Амалнинг катта-кичиги бор, аммо яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди.*

Тўлқин МУҲИДДИН

Муносабат

БУ ҚАРО КЎЗЛАР КИМНИДИР ИЗЛАР

Қўшиқ гоҳ кулдиради, гоҳо йиғлатади. Бу мунгли қўшиқни куйлаётган ким?

Онагинам қайдасиз,
Кўзларим йўлда.
Тушларимга кирасиз,
Хаёлим сизда...

— Бу бола Самандар, — деди меҳрибонлик уйининг тарбиячиси. У бу йил 12 ёшга кирди. Доимо бетоқат бўлиб, ота-онасини қўмсаб қўшиқ айтади, шеърлар ёзади. Биз унга ҳамма болалардан кўра парвона бўламиз, аммо негадир кўнгли ҳеч тўлмай, кишини ларзага келтирадиган қўшиқлар айтиб ўзи ҳам йиғлайди, бизни ҳам йиғлатади.

Биринчи синфга борганида Самандарнинг кайфияти янада ёмонлашди. Синфдаги болаларни ота-онаси, ака-укалари етаклаб келганини кўриб, болаларнинг ўз оилалари ҳақидаги гапларини эшитганда Самандар ўзини тута олмай ташқарига чиқиб, чекка-чеккада йиғлаганини ўқитувчилар бир неча бор кўришган экан.

— Унинг ота-онаси вафот этишганми? — деб сўрадим.

— Йўқ, вафот этишмаган. Самандар 3 ёшлигида улар бир-биридан ажраб, болани бувисига ташлаб кетишган экан. Бувиси эса бизга олиб келган ва бироз вақтдан сўнг вафот этган. Ота-онаси қаерда билмайман.

Баъзи болаларнинг отаси, онаси ёки бирор яқин кишиси келиб ойда, йилда бир хабар олиб кетишади. Шундай пайтларда Самандар йиғлаб, ҳовлига отилади. Бошини эгиб, ҳўнграб йиғлайди.

Эссиз, шундай чиройли, ақлли, истеъдодли бола қалби ўксиб азият чекса-а? Ота-онаси эса қаерлардадир айш-ишрат қилиб юришса?

Бола қалбига озор беришнинг Ҳадиси шарифда ҳам жуда катта гуноҳлиги изоҳланган. Гуноҳ қилган банда ҳеч қачон рўшнолик кўрмайди, — дейилган.

Самандаржон, ўкажоним! Кўнглингни чўктирма, йиғлама, сен келажакда ота-онанг қилган хатони қилма, яхши инсон бўлишга интил! Катта бўлиб, бирор касбни эгалларсан. Уйланасан, фарзандларингни асраб-авайлаб тарбияларсан. Бу кунлар албатта унутилмайди, лекин сени яхши, мунаввар кунлар кутмоқда. Сен албатта, бахтли бўлишга ҳақлисан. Ўшанда сен мунгли қўшиқлар эмас, балки бахт-иқбол ҳақида ёқимли қўшиқлар ижро этасан. Бу ҳам сенга Аллоҳ томонидан берилган неъмат. Атрофингда меҳрибон устоз-мураббийларинг, дўстларинг бор. Бу ҳам катта бахт. Уларни қадрла, дилингдагиларни уларга айт, анча енгил бўласан.

Бола қалби ниҳоятда нозик, унга озор бериш ярамайди. Самандарнинг такдири аччиқ, лекин у иродали бола. Аламини ичига ютиб, ўзини тинчитишга ҳаракат қилади. Она ўрнини ҳеч ким босолмаслигини билса ҳам тарбиячиларни онасидек кўриб, гоҳо уларга эркалик қилади. Лекин қора кўзлари эса кимнидир излайди. Шундай дамларда устоз-мураббийларининг бирини ота, бирини онадек ҳис этади.

Ота-она бўлиш осон. Лекин унинг уддасидан чиқиб бурчини адо этмаса у қандай ота-она бўлади? Самандар каби болаларни дунёга келтириб, улардан воз кечганлар илоҳим фарзандга зор бўлиб ўтсин! — дегинг келади. Истардикки болалар асло етим бўлмасин. Ҳаёт нашидасини ота-онаси бағрида шодон ўтказсин.

Ситорахон
РАҲМОНБЕКОВА,
аспирант

Мунажжим башорати

15 АПРЕЛЬ, ШАНБА

ВОҚЕЛИКЛАР БИЗДАН УСТУНЛИК ҚИЛИБ, ДАМ ОЛИШ КУНИ ҲАМ ИШЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. ЁЛҒИЗ ҚОЛМАГАНИНГИЗ МАЪҚУЛ. ЎТИРИБ ОЛИБ, МУАММОЛАРНИ ҚАНДАЙ ЧАМАН ДЕЯ, БОШ ҚОТИРИШНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ. ЯХШИСИ, ОДАМЛАР ҲУЗУРИГА БОРИБ, ҚАРИНДОШЛАР, ДЎСТЛАР, ҲАМКАСБЛАР ЁКИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРДАН КЎМАК СЎРАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ. МУАММОЛАР ЕЧИМИ АЛБАТТА ТОПИЛАДИ.

Яхши ҳаракат қилсангиз – муваффақиятга ҳам эришишингиз мумкин. Бир жиҳатдан омадингиз келиши муқаррар, чунки хом хаёллар ва ортиқча ташвишлардан халос бўлиш пайти келган. Нимададир биз йўлдан тойгандекмиз. Бугунги вазият бир қадам орқага ташлаб, у ёқ-бу ёғимизга назар солиб, яна нималаргадир қўл уришимиз кераклигини билдиради.

Оқ, ҳаворанг ва кумушранг тусли кийимлар бугунги кунингизни безайди. Сариқ, қизил ва зарғалдоқранг либосларингизни бошқа вақтларга асраб қўйинг.

16 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

МУНАЖЖИМ СВЕТА ДЕНЬ ТАВСИФИГА ҚЎРА, БУГУНДАН 5 МАЙГАЧА МЕРКУРИЙНИНГ ҚЎЙ БУРЖИДА БЎЛИШИ ЯНГИ ФОЯЛАР ВА ТАШАББУСЛАРНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ, МУЛОҚОТЛАР ДАВРАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ.

Шу кунлар оралиғида одамларда муносабатларга, узил-кесил мушоҳадаларга мойиллик кучли бўлади. Улар ҳаракатчан, тиришқоқ ҳамда зеҳнлари ўткир бўлиб қолади.

Олдинги мунажжим фикрини қувватлаб ва тўлдириб, М.Смирнова бу кунни турмуш қувончлари, севги-муҳаббат ва ижодкорлик куни деб таърифлайди. Ҳеч нарсани режалаштириб ўтирманг, дейди у, чунки ҳамма нарса сиз ўйлагандек бўлиб чиқмаслиги мумкин. Ички туйғуларингизга таяниб ҳаракат қилаверинг.

Бугун фаоллик кўрсатиш, дадил ҳаракат қилиш керак бўлади. Уйда ўтирмаганингиз маъқул. Мулоқотлар, кенгашлар ва таклиф этилган кўмакдан юз ўгирманг.

Бугун бошдан-оёқ янги ва тоза кийимларни кийиш тавсия этилади. Уларнинг оқ, қизил ва зарғалдоқранглилари айниқса омадли ҳисобланади. Қора, кўк ва сиёҳранг либослардан узоқроқ бўлинг.

17 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

МУНАЖЖИМЛАРИМИЗ БУГУНГИ КУННИ МУЛОҚОТЛАР, АЛОҚАЛАР ВА РЎШНОЛИККА ЧИҚИЛАДИГАН КУН ДЕЯ ТАЪРИФЛАШГАН. ШУНИНГ УЧУН УЛАР МАЙДА-ЧУЙДАЛАРГА ЎРАЛАШМАЙ, ҲАРАКАТ ҚИЛИШ, КЕЛАЁТГАН ХАБАРЛАР ВА КУТИЛМАГАН ТАКЛИФЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШНИ ТАВСИЯ ЭТИШАДИ.

Шу куни кейинчалик ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этадиган маълумотни олишимиз мумкин экан. Лекин қарорлар қабул қилишда шошма-шошарликка йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳамма нарсани тарозуга солиб ўлчаб кўриш, яхшилаб ўйлаб олиш керак бўлади. Янги иш ҳақида таклифлар бўлиши ҳам мумкин.

Бугунги куннинг айниқса актёрлар, рассомлар, сайёҳлар ва ихтирочилар учун омадли келиши кутилади. Демак, ижод аҳли бугун янги марраларни эгаллаши мумкин.

Бугунги аломатларга келсак, танга топиб олиш - муҳаббатда омадингиз юришишига ишора. Камалак рангларини кўришингиз ёқимли учрашувдан даракдир. Майда жароҳатлар, қайноқ сувда куйиб қолиш, транспортга кечикиш – моддий йўқотишлардан огоҳлантириш демак.

Кийимлардан кулранг, ҳаворанг ва яшил рангли либослар омадли бўлиши кутилади. Ялтироқ ранглар, айниқса, қизил ва сариқ ранглардан воз кечинг.



ДУШАНБА, 17

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
*8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Музлик даврини кечирганлар».
9.50 «Камалак» экрани.
10.45 Самарқанд вилоятлари: «Бибихоним».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 Олтин мерос.
11.30 «Одами эрсанг.
11.50 ЎзТВ хазинасидан. «Олтин девор». Спектакль. 1-қисм.
12.50 ТВ анонс.
12.55 «Олтин девор». Спектакль. 2-қисм.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ анонс.
14.20 «Ўзбегим ўғлонлари».
15.30 «Кичкинтой». Бадиий фильм.
16.20 «Олов - тилсиз ёв».
Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнак» студияси намойиш этади.
17.35 «Дил таронаси».
17.40 «Бурч ва масъулият».
18.00 «Умр дафтари». Х. Абдуллаев. 1-қисм.
18.25 Оқшом наволари.
18.35 «Галатепалик авлиё». Фильм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Тақдир ўйини». Телесериал премьераси.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Патагония - жануб ери». 1-қисм.
00.10-00.15 Тунги наволар.

«Ёшлар»

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.10 SMS тест + анонслар.
16.15 «Ана холос». Мультфильм.
16.25 Полапон.
16.40 Ёшлар овози.
16.55 Чемпион сирлари (рус тилида)
17.15 Кино SMS.
17.20 «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.
18.45 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 SMS тест + анонслар.
19.40 Ракурс.
19.55 Кино SMS.
20.00 Олий лига кундалиги.
20.20 Ўзбекистон Республикаси ёнғин хавфсизлиги хизмати.
ходимлари куни. «Олов билан юзма-юз».
20.40 UzEX хабарлари.
20.50 Давр репортаж.
21.00 «Мўйқалам сеҳри». Собир Раметов.
21.30 SMS тест + анонслар.
21.35 Эълонлар.
21.40 Ёшлар куйлаганда.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳза.
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
22.50 «YOSHLAR» телерадиоканалида спорт дастури:
Интерфутбол.
0.30 Дастурнинг ёпилиши.

«Toshkent»

18.05 Программа передач.
18.15 «Экран детям».
18.30 «Пойтахт» /рус /.
18.50, 20.20, 21.30 ТВ анонс.
18.55 «Будьте здоровы».
19.10 «Табриклаймиз- қутлаймиз».
19.40 «Бир жуфт аския».
19.45, 21.45 «Телекурьер маркет».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Жиловланмаган Африка». Ҳужжатли телесериал.
